

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Зиядуллаева Рухшона Рухиддин Кизи

*Тошкент иқтисодиёт ва технологиялари университети Иқтисодиёт
факультети талабаси*

Аннотация: Мақолада республикамизда кичик бизнес ва хусусий тарбиркорликни аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадларини аҳамияти баён қилинган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, аҳоли даромадлари, иш ўринлар, бандлик. Иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ва институционал ўзгаришларнинг устувор йўналишларидан бири республикада кичик бизнес ва хусусий тарбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий мустақил субъект сифатида мамлакатда тўлиқ бозор иқтисодиёти тизимини шакллантириш ҳамда иқтисодиётни юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади. Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Иқтисодиёт тармоқларида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилиш ишларида, чакана савдода ва пуллик хизмат кўрсатишда салмоқли ўринни эгалламоқда. Маълумки, Конституциямизнинг 53-моддасида «Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишининг кафолати», деб белгилаб қўйилган. Бу фикрнинг амалий исботи сифатида жорий йилда миллий валютаимиз – сўмнинг эркин конвертациясига йўл очилди. Халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиш бериш мақсадида, энг аввало, кучли иқтисодиётни барпо этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ҳар томонлама рақобатбардошлигини таъминлашимиз зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев

таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли, бу тадбиркорликни қўллаб қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда”. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарали фаолият юритишида ҳали ҳам айрим тўсқинликлар мавжуд. Бу тўсқинликларни бартараф этиш учун қуйидаги чоратадбирларни амалга оширишни лозим деб ўйлайман:

- фойдаланилмаётган, бўш турган объектларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янги ишлаб чиқариш корхоналарини очиш ҳамда уларни ривожлантиришни аниқ йўналишларини белгилаш;

- ҳар хил сабаблар билан фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини сабабларини аниқлаш ҳамда натижаси бўйича ишга тушириш ёки тугатиш чораларини кўриш; -фаолият кўрсатмаётган, иқтисодий ночор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари корхоналарини инвентаризациядан ўтказиш ҳамда уларга фаолият кўрсатишга ёрдам бериш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишидаги муаммолар тўғрисидаги илмий, ўқув ва савол-жавоб тарзидаги ахборот маслаҳат нашрларини ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари учун янги мини технологиялар каталогини чоп эттириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мақсадида халқаро ташкилотларнинг грантларидан фойдаланиш бўйича олиб бориладиган ишларни жадаллаштириш. Республикадаги нодавлат, халқаро молия-кредит ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш;

- тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитларнинг фоизини бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, кредит фоизларини камайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият турларидан қатъий назар моддий-техник ресурслардан фойдаланишга, биржа ва ярмарка савдоларига тўлиқ иштирок этишларига шароит яратилишини таъминлаш, янги мини технологияларни, шу жумладан чет эл технологияларини доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма ва ярмаркаларини ташкил қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фуқоролар, уй меҳнати шароитида ишлаб чиқарилган ва тайёрланган маҳсулотларни сотувчи ҳамда уларни моддийтехника ресурслари билан таъминловчи хусусий таъминот корхоналарини ташкил этиш;

- маҳаллий хом-ашёдан фойдаланган ҳолда, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга, чет эл инвестиция лойиҳаларини киритиш мумкин бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ҳамда ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларларни ички ҳамда ташқи бозорга чиқариш бўйича ахборот маслаҳат марказлари томонидан кўрсатилаётган хизмат турини кўпайтириш, уларни ишлаб чиқарган маҳсулотларини чет элларда реклама қилиш ишларини ривожлантириш;

-хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида чет элларда савдо уйлари ташкил этиш;

-касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда, аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш ҳамда касаначилик фаолиятига жалбқилган ҳолда оила даромадини оширишга қаратиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакатда яшаётган аҳолининг турмуш фаровонлик даражаси, даромадлари ошади ҳамда республикада аҳолининг бандлиги таъминланиши ошади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони 29.11.2017 й.

2. Қаландар Абдурахмонов Меҳнат иқтисодиёти ва амалиёт.Дарслик. Қаландар Абдурахмонов,Т..Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан наширёт давлат корхонаси,Т.. 2019-592 б.

3. Abdurahmonov Q.X. va boshqalar. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2014. - 268 b. 4. Abdurahmonov Q.X., Shoyusupova N.T. Mehnat iqtisodiyoti: ijtimoiy-mehnat munosabatlari. Darslik. - T.: TDIU, 2010. - 494 b.